

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.I.60.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ТЎХТАСИНОВА ДИЛДОРАХОН РАХМОНБЕРДИЕВНА

**КОРХОНАЛАРДА ХОДИМЛАРНИ БОШҚАРИШДА ИННОВАЦИОН
УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.13-«Менежмент»
08.00.10 - «Демография. Меҳнат иқтисодиёти»**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Тўхтасинова Дилдорахон Рахмонбердиевна

Корхоналарда ходимларни бошқаришда инновацион усуллардан
фойдаланишни такомиллаштириш3

Тухтасинова Дилдорахон Рахмонбердиевна

Совершенствование использования инновационных методов в управлении
персоналом на предприятиях.....29

Tukhtasinova Dildorakhon Rakhmonberdievna

Improving the use of innovative methods in managing the personnel at
enterprises55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.I.60.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ТЎХТАСИНОВА ДИЛДОРАХОН РАХМОНБЕРДИЕВНА

**КОРХОНАЛАРДА ХОДИМЛАРНИ БОШҚАРИШДА ИННОВАЦИОН
УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.13-«Менежмент»

08.00.10 - «Демография. Меҳнат иқтисодиёти»

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Iqt1262 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Фарғона политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.adu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ханкелдиева Гузал Шеровна иктисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Сотволдиев Абдулазиз Абдумўминович иктисодиёт фанлари доктори, профессор Хусанова Зулфия Раҳматуллаевна иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	Наманган муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.I.60.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат __: __ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел./Факс: 0(374) 223-88-30; e-mail: agsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси кўчаси, 129-уй. Тел./Факс: 0(374) 223-88-30).

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.И.Асқаров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.И.Мараимова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

Қ.Муфтайдинов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда охириги 15-20 йил ичида тўқимачилик саноати ривожланишида сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда. Бу борада «тўқимачилик ишлаб чиқариш маркази Европа ва АҚШдан «учинчи дунё» мамлакатлари, хусусан, Жанубий-Шарқий, Марказий Осиё, Жанубий Америка давлатларига кўчди»¹. Ривожланган давлатлар тўқимачилик корхоналари ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, инновацияларни жорий этиш бир қаторда замонавий менежмент усулларидан самарали фойдаланиш асосида персонални самарали бошқарган ҳолда кучли рақобат шароитида жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини оширишга эришмоқдалар. Шу жиҳатдан бугунги кунда жаҳонда ишлаб чиқариш корхоналарида ходим-ларни самарали бошқаришда инновацион усуллардан мақсадли фойдаланиш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Тўқимачилик саноати корхоналарида персонални самарали бошқаришда инновацион усулларни қўллаш билан бир қаторда замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда мазкур усулларни такомиллаштириш борасида кенг камровли тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Амалга оширилаётган тадқиқотлар таркибида жаҳон стандарт талабларига жавоб берадиган ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган юқори технологияга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этиш, тўқимачилик корхоналарининг ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ва инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кенг кўламда ишлаб чиқаришни жорий қилишнинг илмий асосларини яратиш талаб этилмоқда. Бу эса, бошқарувнинг замонавий концепцияларидан самарали фойдаланиш асосида ходимлар бошқарувини такомиллаштириш каби йўналишлардаги тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда².

Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотларда тўқимачилик саноати корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш, бозор талабларига мос ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Иқтисодиётнинг реал секторидаги ҳолатни олдиндан баҳолаш индикаторларини ишлаб чиқиш ва самарали фойдаланиш тизимини жорий этиш; ... ҳудудларнинг табиий хом ашё ва меҳнат ресурсларини ҳамда «нисбий устунликларини» инобатга олган ҳолда уларни ривожлантиришга туртки берадиган омиллар ва йўналишларни белгилаб олиш ҳамда амалга ошириш» каби вазифалар белгиланган. Бу вазифаларни бажаришда, жумладан ходимлар рақобатбардошлигини рейтинг баҳолаш методикасини инсон капиталини ривожлантириш ва инновацияларни молиялаштириш даражалари, ходимларни инновацион салоҳияти, инновациялардан олинган натижадорлик каби кўрсаткичларга

¹ www.oecd.org

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги ПФ-60-сонли Фармони.

устуворлик берган ҳолда бошқарув самарадорлигини баҳолашни такомиллаштириш, тўқимачилик корхоналари раҳбар ходимлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш чегараларини оптимал белгилаш, капитал қўйилмалар ва бошқарув фаолияти мутаносиблиги негизида прогноз кўрсаткичларини асослаш бўйича илмий изланишларни янада чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285 сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 21 декабрдаги ПҚ-2687-сон «2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида», 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453 сон «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Компанияларда ходимларни инновацион бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш масалалари Б.Трикэр, М.Вебер, И.Ансофф, П.Дойл, Д.Коллис, С.Монтгомери, Л.Эдвинсон, С.Мэлоун, Р.Каплан, Д.Нортон, Д.Джонсон, К.Шоулз каби хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида чуқур тадқиқ этилган³.

МДҲ иқтисодчи олимлари томонидан саноат корхоналарида инновацион бошқарувнинг шаклланиши, хусусиятлари, корхоналарда ходимлар бошқарувининг иқтисодий-ҳуқуқий масалалари В.В.Авдеев, А.М.Бабашкина, Ю.Т.Базаров, Л.В.Волков, П.В.Журавлев, Л.В.Карташова, И.А.Кокорев, В.М.Колпаков, Е.Б.Моргунов, И.И.Мазур, Д.М.Михайлов, И.Н.Герчикова, М.Д.Крук, М.В.Докучаев ва бошқаларнинг илмий изланишларида муайян даражада ўрганилган⁴.

³ Bob Tricker, Oxford. Corporate governance: Principles, Policies, and Practices. 3th edition. UK, 2014., Вебер М. Избранные произведения: пер. с нем. - М.: Прогресс, 1990., Ансофф И. Новая корпоративная стратегия. - СПб.: Питер, 1999 г. - 416 с., Дойль П. Менеджмент: стратегия и тактика: пер. с англ. / Под ред. Каптуревского Ю.Н. - СПб.: Питер, 1999. -560 с., Коллис Д. Монтгомери С. Корпоративная стратегия. Ресурсный подход // Пер. с англ. -М.: ЗАО Олимп-бизнес, 2007. -400 с., Эдвинсон Лейф. Корпоративная долгота. Навигация в экономике, основанной на знаниях. - М.: Инфра-М, - XX. 2005. -248 с., Мэлоун С.А. Корпоративный учебный центр: создание и управление // Мэлоун С.А. Пер. с англ. Ежов Т.О.: науч. ред. Сорокоумов А.В. - Минск: Гревцов Памлишер, 2008. - 208 с., Kaplan R.S., Norton D.P. Alignment: Using the Balances Scorecard to Create Corporate Synergies. Harvard Business Review Press, 2006. - 320 page., Джонсон Д., Шоулз К. Корпоративная стратегия. - М.: Вильямс, 2007. - 223 с.

⁴ Мазур И.И. и др. Корпоративный менеджмент. - М.: Омега-Л., 2011. - 781 с., Михайлов Д.М. Эффективное корпоративное управление (на современном этапе развития экономики РФ): учебно-практическое пособие /

Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш, корхоналарда ходимлар бошқарувининг назарий ва амалий жиҳатларини такомиллаштириш, шунингдек, енгил саноатнинг етакчи тармоқларидан бўлган тўқимачилик саноати корхоналари фаолиятини ташкил этишнинг назарий-услубий асослари С.С.Гулямов, К.Х.Абдурахмонов, М.А.Махкамова, А.Ш.Бекмуродов, М.Р.Болтабаев, Ш.И.Отажонов, И.Ю.Умаров, Н.Қ.Йўлдошев, Д.Н.Рахимова, А.Э.Разиков, У.Ш.Юсупов ва бошқа қатор олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган⁵.

Юқорида кўрсатиб ўтилган олимлар корхоналарда ходимларни бошқаришга таъсир этувчи инновацион жараёнларини ва усулларни такомиллаштириш, инновацион салоҳиятини янада ошириш борасида илмий-назарий тадқиқотларни амалга ошириб, инновацион фаолиятни бошқариш жараёнларини ривожлан-тиришга ўз ҳиссаларини қўшганлар. Бироқ улар томонидан иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида корхоналарда ходимларни бошқаришнинг инновацион усулларини жорий этиш жараёнидаги ижтимоий ва меҳнат муносабатлари масалаларининг комплекс таҳлили, соҳа корхоналари бошқарувига таъсир этувчи омилларни комплекс баҳолаш асосида бошқарув самарадорлигини ошириш, ходимларни бошқаришнинг замонавий усулларини жорий этиш каби масалалар етарли

Д.М. Михайлов. – М.: КНОРУС, 2010. С. 27-28., Герчикова И.Н. Менеджмент. – М.: ЮНИТИ, 2007. - 480 с., Крук М.Д. Современные формы и механизм корпоративного управления: методология и практика. – М.: 2000. -357 с., Докучаев М.В. Российский корпоративный бизнес: проблемы управления, стратегия развития. – М.: Академия, 2003. - 384 с., Авдеев В.В. Оптимизация результатов деятельности персонала и командной работы. -М.: Финансы и статистика, 2003. -176 с., Бабашкина А.М. Государственное регулирование национальной экономики. - М.: Финансы и статистика, 2003. - 480 с., Базаров Ю.Т. Управление персоналом в условиях кризиса //Теория и практика антикризисного управления. - М.: ЮНИТИ, 1996. - 376с., Волков Л.В. Дефекты в системе корпоративного управления //ЭКО. 2001. №5., Журавлев П.В. Управление человеческими ресурсами: опыт индустриально- развитых стран. - М.: Экзамен, 2002. - 446 с., Карнаухов С. Эффективность корпоративных структур // Риск. 2000. № 3-4., Карташова Л.В. Стратегия управления человеческими ресурсами и оценка его эффективности. - М.: 2000. - 348 с., Кокорев И.А. Управление персоналом в рамках концепции человеческого капитала. - М.: 2002. - 588 с., Колпаков В.М. Методы управления. - М.: Бизнес-книга, 2003. - 368 с., Моргунов Е.Б. Управление персоналом: исследование, оценка, обучение. - М.: 2000. - 460 с., Резник С.Д. Управление персоналом. - М.: ИНФРА-М, 2002. - 212 с.

⁵ Гулямов С.С., Очилов Н., Сайдахмедов О. Интеллектуал иқтисодиётнинг самардорлик омиллари//Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси.- Т.: 2015. №6.- 38-41 б.; Абдурахмонов К.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик.-Т.: Меҳнат. 2004.-76 б.; Махкамова М.А. Формирование организационно-экономического механизма управления инновационной деятельностью на промышленных предприятиях Республики Узбекистан. Диссертация доктора экономических наук. Т.: ТГТУ, 2004.-291 стр; Бекмуродов А.Ш, Янг Сон Бе. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана: Кластерный подход. Монография. -Т.: ТГЭУ, 2006. -112 с.; Болтабаев М.Р, Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришда маркетинг стратегияси: иқтисод фанлари доктори дисс. автореф. -Т.: ТДИУ, 2005. -40 б.; Йўлдошев Н.К., Мирсаидова Ш.А., Голдман Й.Д. Инновацион менеджмент – Т.: ТДИУ. Дарслик 2011. 286-б., Эргашев Ф., Рахимова Д., Сагдуллаев А., Парпиев О. Инновацион менеджмент. Дарслик. –Т.: Академия, 2005. –Б. 90. Отажонов Ш.И. Инновация фаолияти инфратузилмасини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари самарадорлигини ошириш: иқтисодиёт фанлари доктори дисс. авторефер. (DSc). –Т.: ТДИУ, 2018., 95 б.; И.Умаров, С.Саидкаримова, Ш.Облоқулова. Саноат корхоналарининг инновацион салоҳияти кўрсаткичлари таҳлили//«Иқтисодиёт ва инновацион технологиялари» илмий электрон журнал 2015й. № 4; А.Э. Разиков Хориж бозорлари талабларига мос экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси мисолида) (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация иши, Т. 2022й.; У.Ш. Юсупов Тикув трикотаж корхоналарида инновацион жараёнларни бошқариш самарадорлигини ошириш (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация иши, Т. 2022й.

даражада ўрганилмаган, бу эса танланган тадқиқот иши мавзусининг долзарблигидан далолат беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона политехника институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № ИТД-3 «Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва модернизациялаш шароитида корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширишни тадқиқ этиш, бошқаришнинг самарадор услуб ва технологияларини яратиш ҳамда такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади корхоналарда ходимларни бошқаришда инновацион усуллардан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

корхоналарда ходимларнинг инновацион фаолиятини ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда уларни бошқариш жараёнларининг назарий ва услубий жиҳатларини илмий тадқиқ этиш;

ходимларни бошқаришда инновацион усулларнинг ўзига хос хусусиятлари, тамойиллари ва ёндашувларини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш;

ходимларни бошқариш тизимида инновацион усуллардан фойдаланишнинг хориж тажрибасини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш;

тўқимачилик корхоналарида ходимларни бошқаришга таъсир этувчи омиллар асосида инновацион механизмларни баҳолаш;

тўқимачилик саноати корхоналарида ходимларни бошқаришда кўп омилли таҳлил асосида корхона ривожланишининг ўрта муддатли даври учун прогнозлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тўқимачилик саноати корхоналарида бошқарув ва меҳнат жараёнлари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб тўқимачилик корхоналарида ходимларни бошқаришнинг инновацион усулларини жорий этишда бошқариш жараёнлари билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат муносабатлари мажмуи ҳисоб-ланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида илмий абстракция, таҳлил ва синтез, таққослаш, индукция ва дедукция, эксперт баҳолаш усули, статистик таҳлил, тизимли таҳлил, анкета сўровлари ўтказиш ва таҳлил этиш, SWOT-таҳлили, эконометрик моделлаштириш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тўқимачилик корхоналари раҳбар ходимлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш чегаралари Key Performance Indicator (KPI) баҳолаш тизими натижасига нисбатан «мутлақо хавфсиз» (100 дан юқори), «меъёрдаги хавфсиз» (81-99), «барқарор» (52-80), «ўртача хавфли» (23-51) ва «хавфи юқори» (0-22) чегаралари доирасида баҳолаш асосланган;

корхона бошқарув ходимлари рақобатбардошлигини рейтинг баҳолаш методикаси инсон капиталини ривожлантириш ва инновацияларни

молиялаштириш даражалари, ходимларни инновацион салоҳияти ва инновациялардан олинган натижадорлик каби кўрсаткичларга устуворлик берган ҳолда бошқарув самарадорлигини «юқори» (4,0-5,0), «ўрта» (2,9-3,9), «паст» (1,9-2,8) ва «жуда паст» (0-1,8) даражаларда баҳолаш асосида такомиллаштирилган;

корхоналарда ходимларни бошқариш самарадорлигини аниқлаш усули персонал бошқаруви билан боғлиқ харажатлар таркиби ва ходимлар хизматини баҳолашнинг сифат кўрсаткичларини назорат қилиш тизими асосида такомиллаштирилган;

тўқимачилик корхоналарда капитал қўйилмалар ва бошқарув фаолияти кўрсаткичлари мутаносиблиги негизида «Konteks Tashkent» МЧЖ бўйича бошқарув ходимлари сони, бошқарув харажатлари, капитал қўйилмалар ва соф фойда ҳажмининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тўқимачилик саноати корхоналари раҳбар ходимлари томонидан ходимларни бошқаришда улар салоҳиятини такомиллашган инновацион усуллар асосида баҳолаш тизимини жорий этиш орқали ходимларни бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

тўқимачилик корхоналари бошқарув тизимини такомиллаштиришда бошқарув қарорларини танлаш ва қабул қилиш методологиясидан оптимал фойдаланиш даражасини ($U(\alpha_i) = \sum P_{ij} \cdot u_{ij}$) ифодаловчи кўрсаткичлар асосида ўзаро боғлиқлари асосланган.

тўқимачилик саноати корхоналарида ходимларни инновацион усуллар орқали бошқаришга таъсир этувчи омилларни SWOT таҳлили асосида баҳолаш тизимини қўллаш асосида бошқариш жараёнларини ташкил этишга таъсир этадиган омилларни муҳимлилик даражаси «жуда паст» (0-1,8), «паст» (1,9-2,8), «ўрта» (2,9-3,9) ҳамда «юқори» (4,0-5,0) даражаларда баҳоланган;

тўқимачилик саноати корхоналари раҳбар ходимлар фаолияти самарадорлиги, бошқарув қарорларини қабул қилиш ва уларни ижросини натижадорлигини ошириш йўналишида KPI (Key Performance Indicator) усули индикаторларини такомиллашган тизимини қўллаш натижасида улар фаолияти натижадорлигини юқори ва қўйи чегараларини (0-22) – «хавф юқори», (23-51) – «ўртача хавф» (52-80) – «барқарор» (81-99) – «меъёрдаги хавфсиз» ва (100 дан юқори) – «мутлақо хавфсиз» мезонлари орқали комплекс баҳолашга эришилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ахборотлар базасининг расмий манбаларидан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси ҳамда Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари манбаларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг амалда синовдан ўтказилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан маъқулланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти услубий йўналишда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар тўқимачилик саноати корхоналарида ходимларни бошқариш самарадорлигини баҳолаш, меҳнат бозори ва миллий инновацион бошқарув моделини ривожлантиришнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилгани, тўқимачилик корхоналарида ходимларни бошқаришнинг инновацион усулларга асосланган кадрлар сиёсатининг қўлланилиши меҳнат мотивацияси ва меҳнат унумдорлигининг ошишига хизмат қилгани ҳамда олий таълим ташкилотларида соҳа бўйича ўқув адабиётларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Корхоналарда ходимларни бошқаришда инновацион усуллардан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

тўқимачилик корхоналари раҳбар ходимлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш чегаралари КРІ баҳолаш тизими натижасига нисбатан «мутлақо хавфсиз», «меъёрдаги хавфсиз», «барқарор», «ўртача хавфли» ва «хавфи юқори» чегаралари доирасида баҳолаш ҳамда бошқарув қарорларини қабул қилиш методологиясидан оптимал фойдаланишни ($U(\alpha_i) = \sum P_{ij} \cdot u_{ij}$) ифодаловчи кўрсаткичлар бўйича таклифлар «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси корхона-ларида жорий қилинган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2022 йил 21 февралдаги 02/04-2820-сон маълумотномаси). Натижада тўқимачилик корхоналарида ходимларни бошқаришда самарадорликни орттиришда кўшимча имкониятлардан мақсадли фойдаланишга хизмат қилган;

тўқимачилик саноати корхоналари бошқарув ходимлари фаолияти рақобат-бардошлиги «жуда паст» (0-1,8), «паст» (1,9-2,8), «ўрта» (2,9-3,9) ҳамда «юқори» (4,0-5,0) чегара мезонларини киритиш орқали асосланган илмий янгилик «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси фаолиятига жорий қилинган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2022 йил 21 февралдаги 02/04-2820-сон маълумотномаси). Натижада ходимлар бошқаруви самарадорлигини орттиришга таъсир этувчи омилларнинг муҳимлилик даражасини оптимал аниқлаш негизида чора-тадбирларни мақсадли ташкил этишда кўшимча имкониятлардан унумли фойдаланиш имкони яратилган;

корхоналарда ходимларни бошқариш самарадорлигини аниқлаш усули персонал бошқаруви билан боғлиқ харажатлар таркиби ва ходимлар хизматини баҳолашнинг сифат кўрсаткичларининг назорат қилиш тизими асосида такомиллаштирилган илмий янгилик «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси корхоналарида жорий қилинган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2022 йил 21 февралдаги 02/04-2820-сон маълумотномаси). Ушбу бошқарув фаолияти самарадорлигини аниқлаш усулини қўллаш натижасида

«Konteks Tashkent» МЧЖда ходимлар меҳнат унумдорлигини 2,6 фоизга ошириш имконини берган;

тўқимачилик корхоналарда капитал қўйилмалар ва бошқарув фаолияти кўрсаткичларининг ўзгаришига бошқарув ходимлари сонини оптималлаштириш, бошқарув жараёнига татбиқ қилинган инновациялар сони ва капитал қўйилмалар ҳажмини муқобиллаштириш асосида ишлаб чиқаришнинг 2026 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари аниқланган илмий янгилик «Konteks Tashkent» МЧЖ томонидан амалиётга жорий қилинган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2022 йил 21 февралдаги 02/04-2820-сон маълумотномаси). Натижада «Konteks Tashkent» МЧЖ тўқимачилик корхонасида ходимларни бошқаришнинг инновацион усуллари орқали бошқариш механизми самарадор-лигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган маҳаллий илмий журналларда 2 та ва хорижий илмий журналда 1 та илмий мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 142 бетни ташкил этди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **«Корхоналарда ходимларни бошқаришда инновацион усуллардан фойдаланишнинг илмий-назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида корхоналарда ходимларни бошқаришда инновацион усуллардан фойдаланиш йўналишлари, ходимларни инновацион салоҳияти ва уни бошқаришнинг назарий-услубий жиҳатлари, ходимларни бошқариш тизимини хориж тажрибаси тадқиқ этилган.

Замонавий глобаллашув шароитида бозор иқтисодиёти самарадорлиги, аввало, давлат ва корхоналарнинг ходимларини бошқариш тизимига қаратган эътибори, ходимларни бошқаришнинг инновацион шакллари излаши, инсон капиталига киритган қўйилмаларга сарфлаган маблағига боғлиқдир.

Ходимларни самарали бошқариш - бу корхонанинг бошқарув персоналининг мақсадли фаолияти, шу жумладан кадрлар сиёсати концепцияси ва стратегиясини, кадрларни бошқариш тамойиллари ва усуллари ишлаб чиқишга асосланади. Айнан шунинг учун ҳам ходимларни бошқариш масаласида бир қатор хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларимиз тадқиқотлар олиб боришган.

Россиялик иқтисодчи В.А.Дресвянников томонидан «Ходимларни бошқариш - бу корхона раҳбариятининг ходимларни психологик, ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий усуллардан фойдаланган ҳолда менежер ва ходимларни бошқариш тизими ҳисобланади, унда мутахассислар билан ишлаш самарадорлигини ошириш орқали корхона самарадорлигини оширишга қаратилган фаолият соҳаси» таъриф ишлаб чиқилган⁶.

Маҳаллий иқтисодчи олим академик Қ.Х.Абдурахмонов ходимларни бошқаришга алоҳида ходим ва умуман корхона манфаатларини таъминлаш мақсадида инсон салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилган ташкилий, ижтимоий-иқтисодий, психологик, ахлоқий ва ҳуқуқий муносабатлар тизимидир деб таъкидлаган⁷.

Бизнинг фикримизча, ходимларни бошқариш - бу кадрлар билан ишлашни ташкил қилишнинг ўзаро боғлиқ техникаси, шакллари, усуллари орқали корхонанинг ходимларнинг жисмоний ва интеллектуал имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали корхона самарадорлиги

⁶ Дресвянников В.А. - Центр оценки и развития персонала (Assessment and Development Center): создание и технология работы - Русайнс - 2017 - 221с. - ISBN: 978-5-4365-2242-5 - Текст электронный // ЭБС BOOKRU - URL: <https://book.ru/book/927768>

⁷ Абдурахмонов Қ.Х., Холмўминов Ш.П., Зокирова Н.Қ. Персонални бошқариш: Дарслик. -Тошкент. Шарқ, 2008.

хамда рақобатбардошлигини ошириш маъносида тушуниш мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг бугунги тараққиётида глобал ҳамда миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бирига айланиб бораётган тўқимачилик саноати, жумладан, соҳа корхоналарининг бошқа тармоқлар билан чуқур алоқада бўлган яхлит тизим сифатида шаклланди. Бугунги кунда тўқимачилик саноати корхоналарининг ривожланишида ва рақобатбардошлигини оширишда ходимлар бошқарувида инновацион усуллардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Корхоналарда ходимларни инновацион усуллар орқали бошқариш жараёнларида бошқарувнинг ихтисослаштириш, интеграция, марказлаштириш, демократлаштириш ҳамда вақт қонунлари, шу билан бирга бошқарувда яккабошчилик ва коллегиялик, илмийлик, режалилик, бошқарув шакл ва усулларини такомиллаштириб бориш, кадрлар танлаш ва жойлаштириш, персонални шахсий ташаббус ҳамда жавобгарлик ва таваккалчилик тамойиллари умумий ҳолда амал қилиб, бу қонунлар ва тамойиллар бошқа тармоқлардаги ҳолатдан тўқимачилик саноати корхоналарида фаолиятни ташкил этишдаги хусусиятлардан келиб чиқиб фарқланади (1-жадвал).

1-жадвал

Корхоналарда ходимларни бошқаришнинг инновацион усуллари⁸

Инновацион самарадорлик шартлари	Қутилаётган натижалар
Корхона мақсадларининг ташқи муҳит билан ўзаро муносабатларга бўйсунishi	Корхона ходимлари фаолияти натижаларининг истеъмолчилар томонидан тан оlinishi
Бошқарувнинг кишиларнинг дифференциялашган эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда такомиллашиши	Функционал яқдиллик, яъни барча органлар ягона организм сифатида ишлаши
Корхонага мақсадлар, стратегиялар, структура ва бошқа бирликлар, турли бўлинмалар эҳтиёжларини инобатга олувчи ўзаро муносабатлар мажмуи сифатида қаралиши	Корхона ходимлари ва бўлинмалар муаммоларини корхона томонидан ҳал этилиши
Ишлаб чиқариш ва ходимларни бошқариш масалаларида инновацияларни жорий этишни кенг қўллаб-қуватлаш	Ходимларнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш, ижодкорлик учун қулай шароит яратиш
Ички ва ўзаро ташкилий муносабатларга эътиборнинг кучайтирилиши	Ижобий муҳит яратилади, зиддиятли ҳолатлар камаяди, кадрлар қўнимсизлиги пасаяди
Ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида иштирокини тартибга солувчи турли норма ва қоидалар мавжудлиги	Ишлаб чиқариш жараёнининг барча жихатларини қамраб олувчи ходимларни бошқаришнинг мослашувчанлик тизими шаклланади
Кучли мосланувчанлик, ташкилий маданият	Ишлаб чиқариш ва бошқарув ўзгаришларига ходимлар, бўлинмалар, корхона тез мослашуви
Ходимларнинг корпорациядаги асосий капитал сифатида тан оlinishi	Корхона ходимларида мотивациянинг кучайиши
Корхона фойдасини тақсимлашда ходимлар иштирокини таъминловчи инновацион механизмларнинг жорий этилиши	Корхонадаги стратегик мақсадларнинг амалга ошиши самарадорлиги ошишига олиб келади

⁸ Дресвянников В.А. - Центр оценки и развития персонала (Assessment and Development Center): создание и технология работы - Русайнс - 2017 - 221с. - ISBN: 978-5-4365-2242-5 - Текст электронный // ЭБС BOOKRU - URL: <https://book.ru/book/927768>

Корхона ходимларининг мақсадли бошқаруви унинг аниқ бошқарув самарадорлиги шаклланишини таъминлайди. Мақсадли бошқарув услубиятидан фойдаланишда қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

корхона ходимларининг мутахассислик йўналишлари бўйича аниқ бажариладиган хизмат кўрсатишга бўлган талаб ва таклиф стандартларига риоя қилишига;

хизмат кўрсатиш персоналининг меҳнат фаолиятларига баҳо берувчи бошқарув персонали уларнинг меҳнат фаолиятлари бўйича тўлиқ ахборотга эга бўлишларига;

корхона ходимларининг хизмат кўрсатиш фаолиятлари бўйича ўтказилган баҳолаш натижалари уларга ва бошқарув персоналига етказилиши керак.

Корхона ходимлари бошқаруви самарадорлигини аниқлаш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг самарадорлигини ошириш улар фаолиятлари билан боғлиқ бўлган харажатларни қисқартириш даражасига боғлиқ (1-расм).

Тадқиқот иши доирасида кўрилаётган методологияга мувофиқ бошқарув қарорларини қабул қилиш учун муқобил сценарийлар тўпламидан энг мақбул ривожланиш стратегиясини танлаш фойдалиликнинг математик кутилмасини максималлаштириш мезонига ҳамда оқилона қарор қабул қилиш тамойилига асосланган қуйидаги «тўлов матрицаси» шаклидаги қарор қабул қилиш модели ёрдамида амалга оширилди.

$$U(\alpha_i) = \sum P_{ij} \cdot u_{ij}, \quad i = 1, 2, \dots, m, \quad j = 1, 2, \dots, n$$

$$U^0 = \max_{\alpha_i} \{U(\alpha_i)\}$$

Бу ерда:

$U(\alpha_i)$ - θ_0 ҳолатни ҳисобга олган ҳолда α_i стратегияни танлашдаги u_{ij} натижалар фойдалилигининг математик кутилмаси;

$U^0 = \max_{\alpha_i} \{U(\alpha_i)\}$ – рационал қарорни танлаш, яъни фойдалилик математик кутилмасини максималлаштириш шарти.

Бу ерда:

u_{ij} – j ташқи муҳит ҳолатидаги i – бошланишнинг фойдалилиги;

P_{ij} - j ташқи муҳит ҳолатидаги i – бошланишнинг эҳтимоллилиги;

$v_{ij} - P_{i1}$ ва v_{i1} лар кўпайтмаси.

Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган ёндашув асосида корхонада ходимларни бошқариш тизимини ривожлантириш бўйича бошқарув қарорларини танлаш ва қабул қилишнинг комплекс методологияси қуйидагилар бўйича чуқур билим ва маълумотлар олиш имконини беради.

Корхона ходимлари бошқаруви самарадорлигини таъминлаш, аввало, меҳнат фаолиятини ташкил этиш учун ходимларига зарур бўлган талабни аниқлаш билан боғлиқ.

$$П_{сб} = M_x \div П_x \quad (1)$$

Бу ерда, $П_{сб}$ – персонал бошқаруви самарадорлиги; M_x – кўрсатилган умумий хизматлар ҳажми; $П_x$ – персоналга сарфланган харажатлар.

Тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнини барқарор ривожланиши учун зарур булган ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланиш юкори даражадаги ишлаб чиқариш технологияларига асосланиши ва сифатли, арзон истеъмол бозори талабларига мос товарларни ишлаб чиқаришда ходимларни бошқаришда инновацион усулларни жорий этиш орқали капиталлашув даражасининг ўсиб боришига боғлиқ.



1-расм. Ходимлар бошқаруви меҳнатини баҳолаш услуги⁹

Тадқиқот ишида тўқимачилик саноатини SWOT таҳлилни амалга ошириш учун корхоналар фаолият самарадорлигига таъсир этувчи омиллар 4 та гуруҳ бўйича аниқланди. Ҳар бир омил гуруҳи таркибидаги таъсир этувчи омилнинг тўқимачилик саноати корхоналари фаолиятига таъсир даражаси аниқланди.

Экспертлар томонидан 4 та гуруҳга бирлаштирилган омилларнинг таъсир даражаси SWOT таҳлил услубиятидан келиб чиққан ҳолда 1–3 гача бўлган даража асосида белгиланди. Омилларнинг таъсир кучи даражаси ҳар бир даражанинг қуйидаги хусусиятларини ифода этади: 1-омилнинг таъсир даражаси

⁹ Дресвянников В.А. - Центр оценки и развития персонала (Assessment and Development Center): создание и технология работы - Русайнс - 2017 - 221с. - ISBN: 978-5-4365-2242-5 - Текст электронный // ЭБС BOOKRU - URL: <https://book.ru/book/927768>

паст, омилнинг ҳар қандай ўзгариш ҳолати тўқимачилик саноати корхоналари ҳолатига деярли таъсир кўрсатмайди; 2-омилнинг сезиларли миқдордаги ўзгаришигина тўқимачилик саноати корхоналарининг фаолиятига ўз таъсирини кўрсатади; 3-омилнинг таъсир даражаси юқори, омил кўрсаткичининг ҳар қандай тебраниши соҳа корхоналарини ҳолатига ўз таъсирини кўрсатади.

Анкета сўровномаси таҳлили натижаларига кўра тўқимачилик саноати корхоналарида ходимларни инновацион усуллар орқали бошқаришга таъсир этувчи омилларни SWOT таҳлили асосида баҳолаш тизимини қўллаш асосида бошқариш жараёнларини ташкил этишга таъсир этадиган омилларни муҳимлилик даражаси «жуда паст»- (0-1,8), «паст» (1,9-2,8), «ўрта» (2,9-3,9) ҳамда «юқори» (4,0-5,0) даражаларда баҳоланган.

Тадқиқот ишида амалга оширилган SWOT омилли таҳлил ҳамда тўқимачилик саноатида танланган корхоналар доирасида раҳбар ходимлар ўртасида ўтказилган сўров натижалари таҳлиliga асосланган ҳолда келгусида мамлакатимизда тўқимачилик саноати фаолиятини ривожлантириш ва соҳани бошқариш жараёнлари самарадорлигини ошириш йўналишидаги қуйидагиларни амалга оширилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

тўқимачилик саноати корхоналари салоҳиятини омилли таҳлил қилиш асосида соҳа ривожланиши учун зарурий инфратузилма тизимларини босқичма-босқич ривожлантириш;

тўқимачилик саноати корхоналари учун малакали кадрларни тайёрлаш; корхоналар ўртасида бошқариш жараёнларини мувофиқлаштириш орқали ички ва ташқи муҳит элементларининг ўзаро алоқасини самарали таъминлаш;

тўқимачилик саноати корхоналарини молиялаштириш учун инвестициялар жалб қилишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш.

Таклиф этилаётган устувор йўналишларнинг соҳада келгусида тўлақонли амалга оширилиши тўқимачилик саноати корхоналари фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш жараёнларини ривожлантириш ҳамда фаолият самарадорлигига таъсир этувчи омилларни бошқариш ва мувофиқлаштириш, юзага келиши мумкин бўлган хатарлар даражасини пасайтириш имконини беради. Корхонада инновацион салоҳият тушунчаси турли ишланмалар ва тадқиқотларни амалга оширувчи корхоналарнинг сони, фаолияти унумдорлиги, самарадорлиги, интеллектуал мулк объектлари, инновация соҳасидаги мутахассислар, олимлар, кадрлар сони, молиялаштириш ва моддий ишлаб чиқариш базаси, мамлакатда ва шу жумладан хорижда ҳам илмий ахборотлар, инновация ва инновацион фаолият ахборотлари, илмий мактаблар ва уларнинг миллий, дунё илм-фанида тутган ўрни кабиларни ўз ичига қамраб олувчи инновацион фаолият ресурси сифатида хизмат қилади.

Бизнинг фикримизча, ходимларни инновацион усуллар орқали бошқариш модели дастлаб қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга: корхонада самарали кадрлар сиёсатини амалга оширишни таъминлаш учун жавобгарликнинг муҳим шарти сифатида ўрта менежерларга юкланади; ходимлар кадрлар фаолиятини ривожлантиришни таъминлаш учун ишлаб

чиқилган принципларни ва бошқарув тизимидаги ҳар иккала даражани ўзаро мустаҳкамлайдиган тарзда қўлланилиши керак. Ушбу модель ходимларни бошқаришда стратегик танловларга қаратилган бўлиб, корхонанинг ташқи ва ички муҳитининг бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнига, шу жумладан стратегик қарорларга фаол таъсирини кўратишда муҳим аҳамият касб этади (2-расм).



2-расм. Корхонада ходимларни бошқаришнинг инновацион модели

Танланган стратегия асосида ҳудудда тўқимачилик корхоналарни бошқарув жараёнларини амалга ошириш босқичлари ҳамда бу босқичларда бажарилиши лозим бўлган чора-тадбирлар муддати, киритилиши лозим бўлган ресурс ҳажми ҳамда уни амалга оширувчи ходимларни аниқлаган ҳолда яратилади. Таклиф этилган ходимларни инновацион бошқарув механизмини йўналиш ва кетма-кетликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш натижасида юқори салоҳиятга эга бўлган тўқимачилик корхоналари доминантлиги асосида тез ва юқори самарадорликда ривожлантириш мумкин бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бошқарув даражасига кўра инновацион салоҳият омиллари таснифланиши корхона инновацион салоҳияти даражасини кенгайтириш ва баҳолаш масалаларини кўриб чиқишда энг муҳим ҳисобланади, шунингдек, инновацион салоҳиятга таъсир ўтказувчи омиллар бошқарув даражасига кўра ҳам қуйидагича тизимлаштирилган.

Диссертация ишининг «**Корхоналарда ходимларни бошқаришнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида Фарғона ва Андижон вилоятлари саноати корхоналарида ходимларни бошқаришнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили, тўқимачилик корхоналарида ходимларни бошқаришнинг ривожланиш омилларини баҳолаш ҳамда уларни бошқаришда инновацион усуллардан фойдаланиш даражаси тадқиқ этилган.

Бугунги кунда тўқимачилик саноати Ўзбекистон иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Бу тармоқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда асосий ўринда туради, чунки тармоқда халқ истеъмоли учун кенг турдаги

маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Бу эса ўз навбатида, бозорнинг катта қисми тўйинишидир. Бундан ташқари, тармоқ республикани катта миқдордаги иш ўринлари билан таъминлайди, айниқса, аёлларнинг шу ўрни билан банд бўлиши саноат районларида демографик балансни барқарорлаштириш имконини беради.

Ҳозирда Ўзбекистоннинг тўқимачилик саноати катта ва кўп йўналишларга эга. Республика ялпи ички маҳсулотда тўқимачилик саноати улуши 4,8 % ташкил этиб, саноат маҳсулотларининг 25 %и, ишлаб чиқариш асосий фондларининг 13 %и ушбу тармоққа тўғри келади. Шу билан бирга, унда республика саноат ходимларининг 32 %и меҳнат қилмоқда (2-жадвал).

2-жадвал

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасида асосий ассортиментлар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми динамикаси¹⁰

Т/р	Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	2017 й	2018 й	2019 й	2020 й	2021 й
	Тўқимачилик ва трикотаж-тикувчилик маҳсулотлари	Млн. долл.	3565,1	4621,8	6411,2	8388,1	11109,1
1.	Пахта калава ипи	Минг тн.	392,4	442,9	608,2	754,3	835,0
	Шу жумладан, бўялган, аралаш, бамбук, акрил толали калава ипи	Минг тн.	39,9	132,8	182,5	226,3	305,1
2.	Тайёр газлама	Млн. кв.м	370,5	462,8	625,0	812,5	1056,0
3.	Трикотаж матоси	Минг тн.	71,9	89,9	142,3	227,4	300,2
4.	Тикувчилик трикотаж буюмлари	Млн. дона	342,2	416,0	559,8	712,2	1011,3
5.	Пайпоқ маҳсулотлари	Млн. жуфт	72,9	98,4	162,9	229,9	309,3

2-жадвал маълумотлари таҳлилига кўра, 2021 йил 2020 йилга нисбатан калава ип ишлаб чиқариш ҳажми 80,7 минг тоннага (110,6 %), тайёр газлама ишлаб чиқариш ҳажми 243,5 млн. кв. метрга (129,9 %), трикотаж матосини ишлаб чиқариш 72,8 минг тоннага (132 %), тикувчилик-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш 299,1 млн. донага (141,9 %), пайпоқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 79,4 млн. жуфтга (134,5 %) ортди.

Таҳлил этилган йиллар давомида республикамиз саноатида бандлик кўрсаткичи мунтазам ўсиш тенденциясига эга. Ушбу кўрсаткичлар таҳлилига асосан меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати нарх индексининг ошиши ҳисобига 14,6 %ни ташкил этган бўлиши ва бандликнинг ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми билан параллел ўсиши меҳнат унумдорлигининг сезиларли ошмаганини билдиради.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, саноатда ўртача ишлаб чиқариш ходимлари улуши 64 %ни, хизмат кўрсатувчи ходимлар эса ўртача 18%ни ташкил этади, техник ходимлар 3,5 %ни ва мутахассислар 9,5 % ташкил этади. Раҳбар ходимлар саноатда банд бўлган ходимларнинг 5,5 %ни

¹⁰ «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

ташкил этади, айнан шу тоифа қатламини акциядорлик жамиятларида акциядорлар таркибига жалб этиш мумкин.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, саноатда ўртача ишлаб чиқариш ходимлари улуши 64 %ни, хизмат кўрсатувчи ходимлар эса ўртача 18 %ни ташкил этади, техник ходимлар 3,5 %ни ва мутахассислар 9,5 % ташкил этади. Раҳбар ходимлар саноатда банд бўлган ходимларнинг 5,5 %ни ташкил этади, айнан шу тоифа қатламини акциядорлик жамиятларида акциядорлар таркибига жалб этиш мумкин.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси саноат тармоқларида ходимлар харакатланиши динамикаси¹¹

Кўрсаткичлар	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.	2019й.	2020й.	2021й.
Саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари, ўтган йилга нисбатан фоиз ҳисобида	108,5	106,5	107,8	109,5	108,3	107,9	106,2	108,6
Саноатда меҳнат унумдорлиги (саноатда банд бўлган 1 кишига минг сўм)	18563,5	23939,3	27153,8	31996,2	37481,0	47797,1	52074,1	58628,6
Саноат ходимларининг маълумоти	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Олий	17,0	19,5	19,4	18,2	18,8	18,5	16,7	17,8
ўрта махсус	27,8	32,9	32,1	32,3	36,6	38,3	39,1	41,1
ўрта ва тугалланмаган ўрта	55,2	47,6	48,5	49,5	44,6	43,2	44,2	41,0
Саноат ходимларининг тоифалар бўйича тақсимооти	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Раҳбарлар	5,8	5,8	5,6	5,3	5,5	5,3	4,6	4,7
Мутахассислар	8,8	9,9	10,3	10,0	10,1	9,6	9,4	9,8
техник ходимлар	2,9	3,1	2,9	3,0	3,0	4,3	4,8	4,6
хизмат кўрсатувчи ходимлар	12,2	17,7	17,3	17,9	18,2	18,0	19,9	20,8
ишлаб чиқариш ходимлари	70,3	63,5	63,9	63,8	63,2	62,8	61,3	60,0
саноатда ходимлар ҳаракати	6,6	2,7	1,1	5,0	7,2	4,9	4,4	5,1
ишга қабул қилинган ходимлар	32,7	33,7	31,2	28,5	28,5	22,0	19,8	18,8
ишдан бўшаган ходимлар	26,1	30,9	30,1	23,5	21,3	17,1	15,4	13,7
Рўйхатдаги ходимлар учун ҳисобланган иш ҳақи фонди, млн. сўм	76352,8	103303,8	140304,2	177946	218106,5	259833,6	453750,8	421807,6

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, айрим ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг 70-90 фоизи айнан инновация фаолиятини ривожлантириш ҳисобига яратилмоқда¹². Чунончи, 2018 йилда мамлакатлар кесимида ИТТК ишларига ажратилаётган харажатлар бўйича Жанубий Корея юқори ўринни эгаллаган. Мазкур мамлакат илмий тадқиқотлари учун ЯИМга нисбатан 4,3 фоиз ёки 73,1 млрд. АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратган, Исроил давлати ЯИМга нисбатан 4,2 фоиз, Япония 3,4 фоиз, Швеция эса 3,1 фоиз ёки 14,2 млрд. АҚШ доллари миқдорида илмий тадқиқот ишларини

¹¹ Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

¹² <https://theworldonly.org>.

молиялаштирган. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 0,2 фоиз атрофида эканлигини кузатиш мумкин. Дунё бозоридаги илмий сифими юқори бўлган маҳсулотларнинг 36 фоизи АҚШга, 30 фоизи Японияга, 22 фоизи Хитой давлатига тўғри келмоқда¹³.

4-жадвал

«Konteks Tashkent» МЧЖда ходимлар таркибининг ўзгариш динамикаси¹⁴

Ходимлар тоифалари ва кўрсаткичлари	2019 йил		2020 йил		2021 йил	
	сон, киши	улуши, %да	сон, киши	улуши, %да	сон, киши	улуши, %да
Жами ходимлари сони	500	100	1000	100	1680	100
Шу жумладан:						
Бошқарувда бандлар сони	22	4,4	28	2,8	30	1,78
Хизмат кўрсатишда бандлар	133	26,6	234	23,4	650	38,69
Илмий даража ва унвонга эга ходимлар сони	0	0	0	0	0	0
Ишлаб чиқаришда бандлар сони	345	69	738	73,8	1000	59,52

Корхонада жами ходимлар сони 2019 йилда 500 кишини ташкил қилган бўлса, 2021 йилларда мос равишда 1680 кишини ташкил қилган. Кейинги уч йилда жами ходимлар сонидан кескин ўзгариш кузатиш мумкин. Шунингдек, корхонадаги ходимлар сониданги ўзгаришни таркибий жиҳатдан ҳам қараб чиқиш мақсадида жами ходимларни уч гуруҳга бўлган ҳолда таҳлил қилиб ўтилади. Бошқарувда бандлар сони 2019 йилда 22 тани, 2020 йилда 28 тани, 2021 йилда 30 тани ташкил этган. Бу ерда асосий ўзгариш хизмат кўрсатиш ҳамда ишлаб чиқаришда бандлар сонидан бўлган. Хизмат кўрсатишда бандлар сони 2019 йилда 22 тани ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб 30 тага етган. Бунинг натижасида жами ходимлар сониданги улуши 26,6 фоиздан 38,69 фоизга ошган. Ишлаб чиқаришда бандлар сонидан 345 тадан 738 тага ошган, ўтган йилгига нисбатан эса 262 тага ошган, яъни 59,58 фоизга ўсган. Таркибий жиҳатдан ўзгаришга эътибор қаратадиган бўлсак, 2019 йилда бошқарувда бандларнинг жами бандлар сонига нисбатан улуши 4,4 фоизни ташкил қилган бўлсак, 2021 йилга келиб 1,78 фоизни ташкил қилган яъни миқдор жиҳатдан камайган бўлишига қарамадан нисбат жиҳатдан ошган.

Диссертация ишининг учинчи бобида «**Корхоналарда ходимларни бошқаришда инновацион усуллардан фойдаланиш йўналишлари**» деб номланиб, ушбу бобда корхоналарда ходимларни бошқариш механизмининг ўзига хос жиҳатлари ва мавжуд муаммолари аниқланган. Шунингдек, тўқимачилик саноати корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқариш механизмига таъсир этувчи омилларни ҳудудий ёндашув асосида баҳолаш масалалари тадқиқ этилган.

¹³Желткова О. В. Инновационная привлекательность предприятия как фактор технологической модернизации производства. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – М., 2016, 24 стр. <https://>

¹⁴ «Konteks Tashkent» МЧЖ йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф ишланмаси

Кўплаб ривожланган давлатларнинг йирик компаниялари, корхоналари ва ташкилотларида ходимлар бошқарувида KPI (Key Performance Indicator) тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Тадқиқотлар натижасида тўқимачилик саноати корхоналарида фаолият юритаётган корхоналарнинг инновацион салоҳиятини баҳолаш учун кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди ва рейтингини аниқлаш бўйича услубиёт таклиф этилди (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал

